

## "ҚУТАДГУ БИЛИГ" МИЛЛИЙ ТАФАККУР ТАРИХИННИНГ НОЁБ МАНБАСИ СИФАТИДА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.1563004>

Мадаева Шаҳноза Амануллаевна  
ЎзМУ профессори, ф.ф.д.  
Ўзбекистон // [shmadaeva@gmail.com](mailto:shmadaeva@gmail.com)

### Аннотация

Уибу мақолада Юсуф Хос Xожибининг "Қутадгү билиг" асарида туркӣ халқлар, ўзбек миллий тафаккурининг илдизлари, ахлоқий ва маданий стереотиплари таҳлил қилинади. Шунингдек, тарихий-ретроспектив таҳлил жараёнида асарни ўрганишининг методологик хусусиятлари, илмий объективлик ва гоявий интеграциядаги муаммолар ўрганилган.

**Калим сўзлар:** Юсуф Хос Xожиб, "Қутадгү билиг", туркология, ориентализм, идентиклик, миллий идеология.

### Annotation

*This article analyzes the roots of Uzbek national thought, moral and cultural stereotypes of Turkic peoples on the example of Yusuf Khos Khojib's work "Kutadgu bilig". Also, in the process of historical-retrospective analysis, the methodological features of studying the work, problems of scientific objectivity and ideological integration are studied.*

**Key words:** Yusuf Khos Khojib, "Kutadgu bilig", Turkology, orientalism, identity, national ideology.

Миллий тафаккур тарихида онг омилини репрезентация қилиш ва холатини кўрсатиш жуда мураккаб ҳолат. Онг номоддий омил бўлгани учун уни фақат тарихий жараёндаги ёзма манбалар орқали мураккаб матрицавий усулда очиб берилади. Ўзбек халқи тарихида туркӣ тил контенти орқали миллий тарихни боғловчи, бошқа халқларда бунчалик кўп ва тўлақонли мавжуд бўлмаган қадимги параметрлар манбалар, яъни мatal ва масал, мақоллар ва достонлар хисобланади. Бундан кейинги давр билан бирга Илк Ўрта асрда яратилган ва туркӣ тил контенти орқали бизгача туркӣ халқлар анъаналари, маданияти, тафаккур тарзи хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи икки асосий манба мавжуд бўлиб, бу Юсуф Хос Xожибининг "Қутадғу билиг" ва Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луготут-турк" асарларидир. Аслида ушбу асарлар билан озгина вақт фарқ оралифида битилган Аҳмад Яссавийнинг "Хикматлар", Xусайн Воиз Кошифийнинг "Хибат ул-ҳақоқ" асарлари ҳам ноёб манба саналса-да, асосий эътибор, туркӣ тил манбаси бўйича мурожаат нуқтаи назаридан, Юсуф Хос Xожиб ва Маҳмуд Қошғарий китобларига бўлган. Академик Бартолдънинг фикрича, туркӣ тил тарихига бағишлиб ёзилган ноёб адабиётнинг Қашғарда пайдо

бўлиши тасодифий эмас эди, чунки бу даврда Юсуф Хос Хожибининг яшаб турган худуди ислом миссионерлиги ва форс таъсиридан анча ҳоли эди дейди.

“Қутадғу билиг”нинг шухрати шу даражада эди, рус олими Самойловичнинг “Ўрта Осиё туркий ёзувлари” («Среднеазиатско-турецкие надписи») асарида «Қутадғу билиг»дан кўчирмалар майишӣ буюмларда ҳам бор эди, дейилади, бунда айнан Уралнинг қуи оқимидағи (Сарайчик) қишлоқда (ХІІІ аср) топилган кўзадаги ёзув назарда тутилган . Шунингдек Мулла Бобоҷоннинг 1864 йилда ёзилган «Таворихи Хоразмшохия» асарида “Вазирнинг иши тартиб ўрнатишга қаратилсинки, тартиб йўқ жойда одиллик ҳам йўқ” деган хитоблар борки, бу “Қутадғу билиг” дан олинган айни иқтибосга ўхшайди. “Қутадғу билиг” фақат турк тилида ёзилган дастлабки ноёб манба бўлгани учунгина эмас, балки бадиий маҳорат ва ёзув услуби жиҳатидан ҳам мукаммал эди ва унинг таъсири ҳатто 14-15 асрларда катта бир йўналиш саналган чигатой адабиётининг шаклланишида ҳам таъсир кўрсатган.

Мен мазкур тадқиқотимда “Қутадғу билиг” миллий тафаккур тарихи билан боғлиқ идеологик томонига эътибор берганим учун, бу масалани асарга оид библиографик материаллар орқали тушунтириш осон деб ўйладим.

«Қутадгу билиг»ни бевосита Ўзбекистоннинг ўзида академик ўрганиш, унинг учинчи - Наманган (Тошкент) нусхасини топилиши билан бошланиб кетди. Бу ҳакда дастлаб 1923 йилда «Туркистон» газетаси хабар берди, сўнг Фитрат, А.Саъдий мақолалари босилди”[1.10]. Айнан XX асрнинг бошида нафакат Абдурауф Фитрат[2.10], балки забардаст адиллар Зиё Кўкалп[3], Фуад Купрулулар [4.77] ижодида қайта ва қайта ушбу асарга мурожаат қилиниши, ўша давр пантуркизм ҳаракатининг ғоявий стратегиясининг бир қисми бўлди.

Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари”, “Энг эски турк адабиёти намуналари”, Зиё Кўкалпнинг “Туркчилик асослари” ва Фуад Кўпрулизоданинг “Турк адабиётида илк мутасаввиблар” асарларида туркий адабиёт намуналарини биттадан териш, уларни XX асрда янги эрага кираётган туркий қавмларни сиёсий аренада ўз тарихий ўрнини англашга даъват этиш, ажам ҳалқларининг улкан қисми бўлган туркий ҳалқлар маданиятини ўзига танитишга бўлган ҳайрли ҳаракатлар бор эди. Бу вазиятда албатта буюк туркшунос олимларнинг услуби зарур эди. Чунки бир вақтнинг ўзида ушбу асарлар бутун дунё турколог олимлари томонидан ориенталистик руҳда тадқиқ этилаётган эди. Хусусан бу ориенталистик анъана ҳозирда ҳам Рудигер Лёлкер[5] (Rüdiger Lohlker. The Kutadgu Bilig: some characteristics and its relation to the idea of rule. Istoricheskaya etnologiya [Historical Ethnology]. Vol. 8. No. 3: 389–393. DOI: 10.22378/he.2023-8-3.389-393) ва Роберт Данков[6] ( Robert Dankoff, Dankoff R. From Mahmud Kaşgari to Evliya Çelebi: Studies in Middle Turkic and Ottoman Literatures. Piscataway: Gorgias Press, 2009.) каби олимлар томонидан “Қутадғу билик” Марказий Осиёда

анъаналарини Эрон етакчилиги контекстида давом эттиришга харакат, деб баҳоланган. Юқорида номи тилга олинган Фитрат, Фуад Кўприли ишларида бу вазият бошқача талқин қилинади.

1. Туркий халқлар исломдан олдин яратган адабиёт...соз билан айтилган халқ оғзаки ижоди намуналари, - халқона шеърлардан иборат эди. Туркий халқларнинг ўша даврдаги ижтимоий муассасаларида тил, дин, ахлоқ-одоб, урф-одат ва ҳуқуқда қавм рухи ва шахсиятини акс эттирган ибтидоий аслият мавжуд эди. Чин, ҳинд, Эрон маданиятида эса, аксинча, марказдан асл оммага кўчиб ўтолмади[4.77].

Шу билан бирга бу битикларнинг характеристи ифода хусусиятида аввалдан мавжуд бўлган қаҳрамонлик тили, филологлар тилида қаҳрамонлик эпослари руҳида ёзилган. Шунинг учун ҳам ҳозирда ўзбек халқ оғзаки ижоди туркумидан 38 томдан иборат фолклор материалларининг мавжудлиги ўзбек халқининг қадимги тарихида қаҳрамонлик эпослари турли кўринишда, юксак бадиий маҳоратда яратилганини ва кўпроқ ёзма кўринишда эмас, халқни хотирасида мавжудлиги шу нарсанинг далилидир. Фолклоршунослик илмида қаҳрамонлик қўшиқларига ва достонларига эга бўлган худудда албатта тарихда халқ бўлиб шаклланиш ва давлатчилик асослари аниқ кўзга ташланади, деган аксиома мавжуд.

2. Бу китоб билан параллел яратилган “Девону луғатут турк” ҳақида катта бир илмий тадқиқот яратган шарқшунос олим, жадид Фитрат айтадики, - “хоқоний туркчasi ёки туркча аталган мана шул адабий шеванинг беш аср кейинги шакли чигатойчадир. Шунинг учун биз ўзбек адабиётимизнинг тарихи учун материаллар излар эканмиз, чигатойчага бориб тўхтаёлмаймиз, чигатойчанинг онаси бўлғон ҳалиги адабий шевагача, хоқоний туркчасигача боришға мажбурмиз. Бу шеванинг энг эски намуналарини бизга “Девону луғатут турк” беради” . “Девону луғатут турк” қадимги тил мажмуинигина ифодаламай, унда фрагментар ҳолатда тарихий воқеалар ҳам баён этилган.

Мазкур асарда муҳим бир жиҳат унда турк тилининг хусусияти ҳақида гапирилади. Маҳмуд Қошғарий турк тили билан араб тилини пойгада мусобақа ўйнаётган отга ўхшатади. Шунда у туркий тилни чаққонроқ чопади, дейди. Туркий тилнинг хусусияти ҳақида мана бу парчада ҳам фикр билдирилган: Қашғарда ёзилган Мулхакат ас-Сураҳ асарининг муаллифи Жамол Қарши 1273 - 74 йилларда Сир Дарёning қуи оқимидағи Барчинлиқ деган жойда олим шайх ал ислом Хусам ад-дин Абул - Муҳаммад Хамид бин Осим ал- Осими ал- Барчинлигий билан танишади. Унинг маълумотига кўра шайх учта тилда ижод қиласи. Унинг араб тилидаги шеърлари баландпарвоз, дабдабали муболағаларга бой, форс тилидагилари чиройли, туркий тилдагилари ҳаққонийдир. Шунинг учун чигатой шоирлари ўзларининг содда тили, фикрини теранлиги билан форс тилидаги баландпарвозликка (прообразы) нисбатан яхшироқ тасаввур қолдирганлар[8.758]. Биз бу фикрнинг намунасини “Қутадғу билиг”ди фойдаланилган мақолларда ҳам кўришимиз мумкин. Мисол учун : “Сут билан кирган, жон билан чикади”(16-

бет)[7], “Оч нималар емайди, тўқ нималар демайди”, “Қамишзорга ўт кетса, хўлу қуруқ баробар ёнади”, каби халқ мақоллари туркий тил орқали шаклланган халқ гносеологиясида вазиятга тўғри ва аниқ баҳо бериш иқтидорини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам мазкур китоб турк ва эрон оламида бошқарув санъатининг намунаси бўлган. Ҳар бир ҳукмронлиқда уни ўз номи бўлган. Уз даврида унинг “Шохлар учун қоидалар”, “Давлатнинг кўзи”, “Амирликнинг улуғлиги” деган номлари бўлган. Эронда бу китобнинг номи «Турклар шоҳномаси» деб аталган. Баъзи жойларда “Шохлар учун маслаҳат китоби” деб юритилади. Туron ҳалқи уни «Қутадғу билиг» деб номлаган. Китобнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини муаллиф ҳам муқаддимада таъкидлайди. У турк тилида ёзилган бу қадар аҳамиятли китобни ҳали ҳеч ким яратмаганини айтади. Ва агар аҳамият берилса, асарда уйғур тилига хослик билинмайди. Бу ерда шу нарсани таъкидлаш муҳимки, муаллифнинг ўзи асарни турк тилида битганини айтади ва туркларни туронийлар, деб айтади. Бу шундан далолат берадики, хитойдаги турклар ўзларини уйғур деб эмас, турклар деб аташган. Уларга уйғурлар деган ном мўғиллар ва хитойликлар томонидан берилган ва шундан келиб чиқиб европа ёки рус тарихчилари ҳам уларни уйғурлар деб атай бошлашган.

3. Фуад Куприлизоданинг тадқиқотида араб ва эрон усулидан маноқиблар, аruz ёки мутақориб жанрини олиб ишлатган бўлсаларда, туркий халқлардаги бошқарувчилик руҳи ёндош халқлар маданиятига кучли таъсир қилган. Шунингдек Хитой, Эрон каби ёндош империялар билан ўзаро урушлар ўша давр учун табиий саналсада, туркий халқлар дипломатик муносабатда кучли маданий мулоқот олиб борганлар. Шунингдек, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сидаги Алп Эртунга-Афросиёбга миллий қаҳрамон сифатида баҳо бериш ҳам ўша давр анъаналари руҳини кўрсатади.

Бу тарих рус ориентализми таълимотида масалан Бартольд мисолида, “Турк халқлари тарихи баёни” мақоласида: “Умуман, мўғилистондаги турклар тарихи ҳақида шуни таъкидлаш лозимки, орхун ёзувларига тегишли бўлган ўғузлар жуда тез муддат ичида уйғурлар томонидан сиқиб чиқарилди, уйғурлар эса ўз навбатида туркларга мансуб бўлган бошқа халқлар – Енисейнинг тепасидан келган қирғизлар томонидан сиқиб чиқарилган». Қолаверса Қошғарийнинг ўзи аксарият рус олимларининг шарқшунослик соҳасидаги ишларида уйғур адабиёти намояндаси, Қашғар адиби деб юритилади, ҳолбуки “Девону луғатут турк”да “Уйғурлар билан уруш” деган бир парча бор. Шунда “Уйғурлар қараб юрдик, тотлар (форс, тожик, сартлар) устига қуш каби учуб бордик” - , дейилади.

Шунинг учун ҳам замонавий Ғарб антропологи Эдвард Сайд «Ориентализм» деган китобида шарқшунослик соҳасидаги барча тарих Шарқ томонидан эмас, балки уни босиб олувчилар томонидан яратилган, Шарқни ўз тарихи йўқ, - дейди. Шу маънода ўрни келганда айтиш лозимки, Шарқни рус тарихчилигидан ортирган тарихи халқлар ўртасидаги онтогонистик

тариҳ бўлди ва уни асорати ҳозирда Марказий Осиёнинг бугунги кунида ҳам намоён бўлмоқда.

Ана шундан келиб чиқадиган бўлсак, Юсуф Хос Хожибининг “Қутадғу билиг”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугатут турки” нафақат турк тилини балки тарихий хотирани ҳам сақлаб қолди.

“Қутадғу билиг”нинг профессор Каюм Каримов муаллифлигига нашр этилган 1971 йилги нашрига сўз боши, Қосимжон Содиковнинг “Қораҳонийлар даври туркий ёзма ёдгорликлари тили”, “Ўзбек мумтоз адабиёти” асарлари, Боқижон Тўхлиевнинг “Юсуф Хос Хожиб ва туркий халқлар фольклори” асарлари ориентализмдан холи равишда “Қутадғу билиг” тарихи ва асар хусусиятини объектив ёритишида феноменал тадқиқотлардир.

Ҳозирги кунда миллий идентификация жараёни даврида барча туркий эллар қавмига кирувчи давлатларда миллий тил фундаменти сифатида Ўрхун-энасой ёдгорликлари, Юсуф Хос Хожиб ва Маҳмуд Кошғарий асарларининг курсатилиши миллий идентификациядаги қонуниятга амал қилиб, тил сиёсатида ҳам қанчалик замонавий дунёга интеграциялашув кучли бўлмасин, қанчалик глобаллашув миллий маданиятга таъсир қилмасин, миллий давлат давлат тили борасида ҳам ўз илдизини тарихдан топишга харакат қилишини кўрсатиб турибди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Хожиб ва туркий халқлар фольклори, -Тошкент: Баёз, 2013. 10-бет.
2. Абдурауф Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Тошкент: Мумтоз сўз, 2008. 10 б.
3. Зиё Кўкалп. Туркчилик асослари. -Тошкент: 1992
4. Фуад Купрули. Турк адабиётида ilk mutasavviflar. -Тошкент: Академнашр, 2024, 77-бет.
5. Rüdiger Lohlker .The Kutadgu Bilig: some characteristics and its relation to the idea of rule. Istoricheskaya etnologiya [Historical Ethnology]. Vol. 8. No. 3: 389–393. DOI: 10.22378/he.2023-8-3.389-393
6. Dankoff R. From Mahmud Kaşgari to Evliya Çelebi: Studies in Middle Turkic and Ottoman Literatures. Piscataway: Gorgias Press, 2009.
7. Бартольд В.В. Сочинения V том.// Чагатайская литература, –М: Наука, 1968. 607-стр. (758)
8. Юсуф Хос Хожиб, Қутадғу билиг. -Тошкент: Фан, 1971, 16-бет.